




Суратда: Колхоз раиси ўртоқ Абдуражаб МАТҚОБИЛОВ.

ФАРОВОНМИЗ, БАДАВЛАТМИЗ

ДЕХҚОН баҳор офтоби елкасига тегиб, далага чиққан биринчи кунни даставвал ҳавога қарайди, қувонч билан ерга уруғ ташлайди. Шу уруғ ташлаган биринчи кунни унинг кўнгли таскин топган бўлса ҳам, аммо дилининг аллақасерига ташвиш ўрнашиб олади.

— Ерга тушган уруғ беҳато уйиб чиқсин-да!.. Бу ташвиш уни ерталаб ҳам, кеңкурун ҳам даладан кетказмайди. Ерни яхшилаб ишлайди, уруғни ундириш учун тоғай-туғайни ер бағрига чиқариб солади. Деҳқон ҳимматида, заковоти ва меҳнатидан баҳраманд бўлган ер дили пок, дудуқи фидокор, фикри-анири одам боласининг фаровон яшашига бағишланган деҳқон шунқорига ўзининг сажий кўсини, битмас-туғамас хазинасини очиб кўрсатади.

Мен эсимни таъинганимдан бери деҳқончилик билан шуғулланиб келаман. Хар йили ерга биринчи уруғ ташланаётган кун жуда ҳалқонли бўлади. Деҳқон уруғ кўтариб, экинни кўгага кўришган кунни ситири туққан киши сингари суғанади. Сабабини, ер она бўлса, деҳқон ота, экин фарзанд.

Шулар ҳақида фикр юритиб бу йилги ишларимиз, ҳамқишлоқларимизнинг тайёриги, шикоятини, эришган муваффақиятини, қувончини кўриб мен ҳам кўнглим қатори севинаман, шу меҳнат натижасида менинг ҳам кичик ҳиссам борлигини фатҳланаман.

Биз ҳам колхоз ишлари ҳақида ўйлаб ўтириб, районимиз, областимиз эришган бу йилги ютуқларини кўнглимдан ўтказаман. Хўжаликнинг қайси соҳасига назар ташламанг, планларнинг юздан ошириб бажарилиганини, йилликнинг қувонч билан янгиликларини кўрасиз. Ҳалабалар напидаси таштини суғуретган шу кунларда бундан ўттиз-ўттиз беш йил илгари қишлоғимиз қиёфаси қанақалиги, ўша вақтда одамларимизнинг ҳаракати, интилиши қай даражадалиги, шулар кўнглидан ўтади. Шунда беихтиёр «колхоз тузули қишлоқларимизни янашқондан, оғиздан, маданиятликдан бой-бадавлатликка, юқори савияли деҳқон бўлишга, маданиятлик ҳаёт кечирюшга олиб келди», деган фикрни кўнглидан ўтказаман.

Дарҳақиқат, шу бизнинг Дўрмон қишлоғи, унинг ён-вериди қишлоқларда янча хўжалик давридаги ҳаёт низоғида мискиликда ўтар, одамлар кўл учидан кун қурадилар. Пасткам, тупроқтомли иморатлар, бир киши араб синадиган экинлар — (илгари вақтларда нега бундай кичик экинлар қурилди, ҳозирги пайтда дарвозалар қурилмоқда — хонаси келганда айтиб ўтман) туриш-турмушимиз шунунга оди ўша вақтларда. Ердан оладиган унумга келганда, йил ўн икки ой омонга кўрак тираб ишланарди, хирмон тепасида халқимиз ўша машаққатли йилларда тўнган мақолда айтилган сингари ўроқда йўқ, машоқда йўқлар ҳозир бўлишарди.

Мен яхши билман, янча ҳол деҳқон бой ерида ишлаб ҳозирги гектарга қариб ҳисоблаганда бир гектар ердан кўп деганда олти-етти-саккиз пуддан пахта олади. Шу ҳисобдан даромадининг учдан бирини, қоратини тер туққан бечорага тегарди. Ҳозир биз шу ота-бободан қолган ерларда янча-янча бўлиб ишлаймиз, кўнли-кўлга бериб, ҳаммамиз биргаликда коллектив бўлиб меҳнат қилаётганимиз учун бир гектар ердан олти-етти-саккиз пуд эмас, 35-38 центнердан ошириб, яъни 230-240 пуда етказиб, айрим бригадаларимиз 300 пуддан ҳам анд пахта оляптилар. Ана, кўра-дизамиз, бирлик нимага олиб келарман!

Бу йил 1700 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,3 центнердан ҳосил йиғиб олдик. План бўйича 5000 тонна пахта сотишимиз керак эди, биз сотдик 6.500 тонна. Планини 129 центнер қилиб бажардик.

Бу рақамларни бригадалар мисолида талқин қилиб кўрадиган бўлсак, олди бригадаси — Анвар Эгамназаров бригадаси 170 гектар ернинг ҳар гектаридан 50,5 центнердан, энг охириги бригада — Тўйчи Тошмаков бригадаси 31,8 центнердан пахта топширди. Олим Мўминов, Фаттоҳ Хакимов, Меҳри Шералиева, Тўхтамурод Саҳобиддинов ўр-

ДЕХҚОННИНГ БАХТИ

тоқлар бошлиқ бригада аъзолари 38,8-42 центнер ўртада ҳосил етиштиришга эришдилар. Умуман, колхозимиздаги 19 та бригаданинг ҳаммаси белгиланган пландаги қараганда гектаридан 6-7 центнердан кўп пахта олишга муваффақ бўлди.

Ҳамма пахтаимизнинг 94,5 процентини биринчи сортга, 24 процентини иккинчи сортга, 6 процентини учинчи сортга, 4 процентини тўртинчи сортга сотдик. Бир гектар пахта ердан 1470 сўм даромад олдик. Умуман, хўжалигимизнинг бошқа тармоқларидан ҳам келган даромадин кўшиб ҳисоблаганда бу йилги даромадимиз 4 миллиондан ошиб кетди.

Мен маданият саройимизда бўладиган йилларда, концертларда ўтирганимда, колхоз боғидаги уч юз ишчилик меҳмонхонамизда ўзоқ-қичдан келган меҳмонлар шарафига берилган энфатлар вақтида ўтириб ўйлаб кетаман, қадимда омон-бўйинтурук, битта нетмон ағаси бўлган ўзбек деҳқони Совет замонидан, Ленин партияси раҳнамолигида нимага ага бўлди, кўнглидан нимага келишини кўрсатди.

Колхозчи йилнинг илгирининг тўй-томошасида, ҳовли тўйларда, ота-оналари олти-етти-саккиз йилга етганда энфат қилиб берган ўғил-қизларнинг қанчирига борганимда катта дарвозали бинолар, ойнавандли оқ уйлар, хоналардаги гилем, атлас-духоба кўрпа-қўрпаларини, дид билан ясалган дастурхонни, уй анжомларининг мукамаллигини кўриб, бу замон инсон қадриятини топган замон бўлди, деб кўнглимдан ўтказаман, теримга сийма синаман!

Айтгандай, юқорида ўтмишдаги тор экинлар, ҳозирги дарвозалар ҳақида гап кетган. Эшагига яраша тушган дегаларидек, ўша йиллардаги бостирма уйларга бўйин эгиб кирадиган паст, тор экинлар муносиб эди. Ҳозирги нештори панжара гулчин қилиб ишланган, кўш деразали муҳташам иморатларга машина бемалол кириб келаларидиган дарвоза қурилмасе кўнгли ўринга тушмади. Шу сабабли қишлоғимиздаги жамини одам экин ўринга дарвоза қургани, бирининг «Волга»-си, бирининг «ЗИМ»-и, бирининг «Москвич»-и, бирининг люляли мотоцикли шу дарвозага надиқ тегардики турди. Ҳозирги пайтда хонадонларимиздан ўтмишдаги сингари эшак ҳанграб чинамайди, енгил машинанинг ситили эшитилади.



Суратда: Колхоз бухгалтериясида беш бухгалтер А. Каримов йиллик ҳисоботга қандай тайёарлаш ҳақида ҳисобчиларга кўрсатма бермоқда.

Буларнинг ҳаммасига аввало партия, ҳукуматиимизнинг гамхўрлиги, коллектив хўжаликнинг афзаллиги, одамларимизнинг фидокорона меҳнати, техника шарофати, илм-фан мададорлигида эришмоқдамиз. Битта мисол: ўтган уч йил давомида топширган юқори сорт пахтага нисбатан шу йилнинг ўзида юқори сортли пахтани кўп сотганлигимиз эвазига мунофот тариқасида давлатдан 260 минг сўм пул олдик!

Бу йил колхозчиларимиз бир меҳнат кунларига 4 сўмдан пул оладилар. Бир хонадондан уч, тўрт, беш киши чиқиб ишлаган. Ана шундай хўжалиқдан қўлга қанча пул тегишини чамалаб кўринг-а, бу ҳисобга томорқадан келган даромад йирмайди. Хар бир оилда кўй-ситир, буюқ бор, яъни улар сўт-қатққа, гўшт-еққа муҳтож эмаслар, ўз хонадонларидан чиқади.

Тонг отади, кеч киради, фикри-ёдимиз хўжалигимизни бундан ҳам бойитиш, бундан ҳам каттароқ ютуқларга эришиш, коллектив хўжаликнинг ҳаётбахш кучини бундан ҳам ёнқирок кўрсатиш, маданият ҳаёт кечирюшда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқни йўқотиш ҳусусида ўйлаш, шу йўлда ҳаракат қилиш билан банд.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқ ҳақида тап кетди. Мен дадил айтаюламан, кол-

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Абдуражаб МАТҚОБИЛОВ ҳикоя қилади

хонинг ҳисоб-ниҳоб ишларини асосан қишлоғимиздаги шу соҳанинг ўқимшли йилги-қизлари олиб боради. Ҳамма мақтаблардаги ўқитувчиларнинг қариб барчаси шу ерлик ешлар ҳисобланади. Техникани ўзининг илженилар, усталар, савсар ва тоқлар Ремонт қилдилар. Ёрларнинг ва бошқа хил мутахассисларнинг кўпчилиги ҳамқишлоқларимиз.

Колхоз бешини ҳаваскорлик тўғрисидаги катташчилари Москвада, Ўзсозлар саройида концерт берганлигининг ўзи қишлоғимизда санъатга бўлган муҳаббат қанчалик юксалигини ёқиб кўрсатиб турибди.

Энди хўжалигимизнинг бошқа соҳаларидаги ишларимиз ҳақида ҳам гапириб ўтишга тўғри келади. Бу тўғрисида сўзлашдан олдин қувончимиз боиси — ҳаммаша кўлимиз баландлиги, фаровон турмушимиз, йилдан-йилга олдинга кетаятганлигимиз ақаллигини таъкидлаб айтмоқчи эдим.

ЕРНИ БОҚСАНГ, ЭЛНИ БОҚАДИ

ХАЛҚНИ қийнатириш, унинг ақлини учун озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш деҳқон эсиммасда. Ҳамон шундай экан, икки шаҳар — Тошкент ва Чирчиқ ўртасига жойлашган бизнинг колхозда фақат пахтачилик билан шуғулланишимиз ўзи мақсадга мувофиқ эмас. Биз масаланинг ана шу томонини тўла ҳисобга олиб колхозимизда укроп, петрушканид тортиб, сабзавот ва полиз экинларининг ҳамма хилларини, картошканинг жуда кўп навларини етиштирамиз. Ган келганда ана шунинг ҳам айтиб ўтай, даладаримизда кеч қўз бўйиб совуқ тушган, помидор, бодрийнгуш билан теплицаларимиздаги помидор

ёни ҳосилини йиғиштириб олишга, ёни ақсинча, у томондаги колхозчи, механизаторларни пахта учун доллар қуиларда бу томонга олиб келиши бир кичик хўжаликнинг ҳам бир неча тармоқли бўлиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳамқишлоқ ва меҳнатсевар кишиларимиз пахтазорларда, сабзавот пайдаларида, олмазор ва мезазорлар ҳамда узум боғларида ишнинг кўнлини билиб, ўз масбларига муҳаббат қўйган ҳолда ишлаётганликлари учун хирмонимиз барқали бўлмоқда, кассамиз пулга мўл, хонадонимиз бой-бадавлат, маданият.

МОЛЛИК ХЎЖАЛИК — МОЙЛИК ХЎЖАЛИК

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ етти хазинанинг бири, деб таърифлангани беиз эмас. Ҳақиқатан ҳам молга бир сўмлик ем-хашак едирсангиз икки-уч барабар қилиб ўз маҳсули билан қайтаради. Қачонки, боқайтган ситирингиз наслдор бўлса. Борди-ю, ақнидан сал кўпроқ сўт берадиган жайлар ситирлардан бўладиган бўлса турган-битгани ташвиш дейверинг. Пахтадан, бошқа тармоқдан олинаётган даромадин кемириб етаверади. Бундан ситирнинг туртасидан битта наслдор ситир бўлган яхши.

Чорвачиликни фойда келтирадиган соҳага айлантиришни ўйлаган хўжалик раҳбари, аввало, фермадаги молларнинг сара бўлишига эришади. Биз уч маҳал соғимда 7-8 литр сўт бермаган ситирини — ситир қаторига қўшмаймиз. Фермада шундай говишлар борки, 15, 20, 25 литрдан сўт беради. Бу ситирларга ўзи бераётган сўтининг учдан бир қисmini харажат қиласиз. Шу сабабдан колхозимиз чорвачилиги бошқа соҳалар сингари даромад манбаи ҳисобланади.

Фермаларимизда 1934 беш қорамол боқиларди. Шундан 600 таси соғин ситирлар. Хозирчага шу ситирларнинг ҳар биридан 2400 литрдан сўт соғиб олдик.

Биз молларимизнинг наслини йил сайин яхшилаб борамиз. Маҳаллий шаронда яхши семирб, сўтини кўпайтираётган ситирларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берамиз. Ана шунақа ситирлар наслидан бўлган бузоқларни меҳр билан парвариш қиламиз. Бу соҳада мол наслининг аралашиб кетмаслигига жиддий эътибор қилинади.

Чорвачилик ишларининг механизациялаштирилиши, молларни йилнинг ҳамма фаслида тўйимли, ширали ем-хашак билан боқилиши, очингани айтиш керак, ютуқларининг қалити мана шунда. Фермаларимизда молларга ем-хашак, силос олиб келиш, уларни сўтириш, молхонани тозалаш, ситирларни соғиш тўла механизацияланган. Бу қулайликлардан фойдаланаётган молбоқарлар, ситир соғувчилар ўз юмушларини намунали ўтамоқдалар.

Пахтачиликдаги сингари чорвачиликда ҳам фидокорона меҳнати туфайли қишлоқда обрў-эътиборга эга бўлган ҳурмати кишиларимиз кўп. Ўз боқимлариди ситирларни меҳр қўйиб парвариш қилаётган Халима Эрматова, Абдия Сўфиянова, Ўғиллой Раҳимбоева, Ойимбой Мўминова, Юлия Жоникеева, Қўрбоний Аҳмедова ва шулар сингари кўпайиб ситир соғувчиларимиз ҳар бир ситирдан 2700-2900 литрдан сўт соғиб олдилар.

Ситирлардан ана шу хилда кўп сўт соғиб олишда молбоқарлардан Парфи Абдуғаниев, Шойеб Шомоҳмурдов, Исмомил Тиллаевларнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Колхоз давлатга 1200 тонна сўт сотиб, бу соҳадан планини 20 декабрда муваффақиятли адо этди. Шунда биз планга қўшимча 30 тонна сўт етказиб беришга аҳд қилган эдик. Йили йил арафасида қувонч билан айтаманки, бу мажбурият ҳам тўла адо этилди.

Чорвадорларимиз сўт соғиб олишни кўпайтириш билан бирга сўтининг сержаймоқ бўлиши устида ҳам илдий иш олиб бормоқдалар. Бунда улар рационда белгиланган ем-хашакнинг ҳамма турлари бўлишига эришмоқдалар, ҳар бир ситирни тўйдириб боқмоқдалар.

Биз молларимизнинг қишдан семиз ва соғлом чиқishi учун эрта қўшамдан тайёргарлик қўрдик. Ем-хашак экинлари ўз вақтида экилди, уларнинг парвариши кўнглидагидек ўтказилди. Натияжада 9600 ўринга 12000 тонна силос бостирилди. Планда белгилангандан минг тонна кўп — 5500 тонна дағал пичан тайёрланди. Бедазорлар ҳам яхши парвариш қилинмоқда. 420 гектар ердаги беданинг ҳар гектаридан 90 центнердан пичан тайёрланди, 3780 тонна беда гарам қилинди.

Деҳқончилик маҳсулотини сингари чорвачилик маҳсулотларини йил сайин кўпайтирамиз. Сўз билан иши бир чорвадорларимиз ана шундай демоқдалар. Уларнинг бу соҳада ҳаққатан ҳам катта ютуқларга эришдилари учун колхоз правлениеси, партия ташкилоти чорвадорларимизга барча шароитни яратиб берадилар.



Суратда: чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ўртоқлардан бир группаси: Биринчи қаторда (юқоридан пастга) Эргаш Сафаров, Қўтби Аҳмедова, Аъзам Ўринбоев, Гуломназар Акибаров, иккинчи қаторда: (юқоридан пастга) Сади Раҳимов, Уғилмон Раҳимбоева ва Халима Эрматова ўртоқлар.

ЭРТАНИ ҚЎЗЛАБ...

БУТУНГИ кунда деҳқонлар механизация бизга мададор бўлмоқда, деб қувонч билан айтамоқдалар. Шу жиҳатдан олиб қараганда бизнинг колхоздаги ҳамма ишларни, ҳо далачилик ишларини, ҳо чорвачиликдаги, боғдорчиликдаги, пиллачиликдаги, ишларнинг асосий қисми механизация ёрдамида бажаришмоқда.


Колхозимизда тузилган комплекс механизациялашган зенорлар келажакда ҳамма ишларни ана шу асосда олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини амалда кўрсатмоқдалар. Чўнчи бу хилдаги зенорларда етиштириладиган ҳосилининг таънари бирмунча кам бўлмоқда, колхозчи, механизатор ҳаммаша тушаётган даромад кўп бўлмоқда. Анвар Эгамназаров бригадасидан Юлий Ходиров эвеноси 50 гектар ерга мист, экин, гектаридан 51 центнердан пахта олди. Бу эвеноси бригадда соғимда иш олиб бори. Меҳнатини худди шунга ўхшаб танилиб этган Карим Аъзамов, Риксбой Солиқов ўртоқлар бошлиқ механизаторлар раҳбарлиги қилган зенорларда ҳам ҳосилдорлик бошқа зенорларидангига қараганда 2—3 центнердан ортиқ бўлди.

Бу йил колхоз правлениеси ва партия ташкилоти Муса Каримов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадга ташкил этди. Бу бригада ўтган йилларда бирмунча кам ҳосил етиштириб келганга тўғай ерда иш олиб бори. Комплекс механизация ана шундай ерларда ҳам деҳқончиликни намунали олиб бориш, ҳосилини ошириш мумини эканлигини кўрсатди.

1964 йилда гектаридан 34 центнердан пахта олишган шу тўғай ерларнинг ҳар гектаридан бу йил 39,5 центнердан хирмон қўрилди.

1965 йилда эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаш ва янада юқори кўрсаткичларга эришиш — бизнинг асосий вазифамиздир. Шу вазифдан ҳар бир бригада, эвеноси бошлиқ, колхоз правленисининг аъзоси, партия бюроси 1966 йилда бу йилдаги қараганда ҳам яхшироқ натижаларга эришиш учун руҳта тайёргарлик қўриб қўйиш зарурлигини ҳар бир колхозчи ва механизаторга, чорвадор ва боғбонга етказмоқда. Колхозимиз аъзолари пахта, сабзавотдан бўшаган ерларни ўғитлаб, чуқур шудот қилиб қўйдилар. Сўғириш тармоқларини тартибга келтирдилар. Чорвачилик фермаларидаги барча ишларни қиш кунларига мослаб олиб бориш тадбирларини амалга оширдилар.

Йили беш йиллигининг биринчи йили — 1966 йилга қадар қўймоқдамиз. Бу йилимиз ҳам талабалар йили бўлишига ишонамиз. Колхозчиларимиз ва қишлоғимиздаги ҳар бир киши ана шу мақсадда жононам партияимизнинг XXIII съезидида муносиб соғва тайёрламоқдалар. Улар ўз энималаридаги вазифаларини муваффақиятли ўринайдилар. Колхозимизнинг ҳаммаша машъал хўжаликлари қаторида бўлиши учун ҳормай-томай курашадилар.



Суратда: Колхоз кўчалардан бир кўриниш.

А. Абалия фотолари.

